O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
ZANGIOTA TUMANI
HOKIMI

ХОКИМ
ЗАНГИАТИНСКОГО РАЙОНА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

QAROR
РЕШЕНИЕ

20 19-yil «15» январь 77-son

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 25 апрелда 2452-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларидан келиб чиқиб, туманда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш максадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот, машина трактор парки АЖлари, мукобил машина трактор парклари, фермер хўжаликлар ва фуқароларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарининг техник холатини йиллик кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага ва техник ҳолатини йиллик кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясига:

техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режани тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга етказиш, техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникаларни кайта техник кўрикдан ўтказиш, техник талабга жавоб бермайдиган, носоз техника воситаларини ишлатилишини қатъиян ман қилиш, техник кўрик давомида техникаларнинг мавсумга тайёргарлиги, ҳар бир тракторчи-машинистларда тегишли техника воситасини бошқариши учун рухсат этилган тоифанинг мавжудлигини, техникаларнинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилганлигини ва бошка техник талабларга риоя этилганлигини қайта кўриб чиқиш ҳамда техник кўрикдан ўтган техникаларни тегишли далолатномалар асосида ишлашига рухсат беришни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

3. Тумандаги барча фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига иш режасида кўрсатилган муддатга кадар техникаларни техник кўрикка тайёрлаш ва техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш, техника техник кўрикдан ўтказилганлиги учун ундириладиган йиғимни белгиланган тартибда тегишли ҳисоб рақамга тўланишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Туман ҳокимининг иктисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари И.Сайиткуловга техник кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган йиғимлар тўланишига амалдаги тартибларга асосан амалий ёрдам бериш топширилсин.

5. Мазкур карор “Истиқбол” газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Зангиота туман ҳокимининг 2018 йил 30 январдаги “Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалик машиналари, машина-тарктор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 142-сон Қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу карор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Сайиткулов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **А.Ғамикаев**